ОБЛАСТИМИЗ ЭКОНОМИКАСИНИНГ ЯНГИ РАВНАҚИ УЧУН!

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 17 (5878). ● 25 январь, 1977 йил ⊙ ЁШАНБА ● Баҳоси 2 тийин

Самарадорлик ва сифат учун курашнинг маъноси шуки, ҳар бир совет кишиси, ҳар бир меҳнат коллективи юксак меҳнат унумдорлигига эришуви, ишлаб чиқариш интизоми ва тежамкорликка қаттиқ риоя қилиши, ўз ишининг сифатини, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифатини кун сайин яхшилаб бориши керак.

Л. И. БРЕЖНЕВ.

ҚЎШ ОРДЕНЛИ ОБЛАСТИМИЗ

БЕШ ЙИЛЛИКНИНГ ИККИНЧИ ЙИЛИДА

МАМЛАКАТИМИЗ қудратини янада мустаҳкамлаш, кишилар турмуш фаровонлигини ошириш, экономика ва маданиятни юксалтириш жиҳатдан беш йилликнинг биринчи йили тарих солномасида ўзига ҳос зарварақ очди. У халқ хўжалигининг барча тармоқларида самарадорлик ва сифат учун актив кураш бошланган йил тарзида алоҳида диққатга лойиқ бўлса, халқаро майдонда тинчлик, ҳамдўстлик, ҳамкорлик шиори янада баралла янграган сана сифатида янада ардоқли.

Областимиз меҳнаткашларининг ўтган йилги зафарлари айниқса қувончлидир. Саноатчилар йиллик планни муддатидан анча илгари бажардилар. Маҳсулот турларидан кўпига давлат Сифат белгиси берилди, қатор янги қувватлар фойдаланишга топширилди.

1976 йил пойтахт область пахтакорлари ҳаётида чинакам фидокорлик ва жасорат йили бўлди. Обҳаво ноқулайликларига қарамай дала баҳодирлари зиммаларидаги мажбуриятларни шараф билан адо этдилар. Шунингдек, сабзавоткорлар, чорвадорлар ҳам улкан ютуқларни қўлга киритдилар.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ БОШ СЕКРЕТАРИ Л. И. БРЕЖНЕВНИНГ РЕСПУБЛИКАМИЗ ПАХТАКОРЛАРИГА ТАБРИГИ МИЛЛИОНЛАБ КИШИЛАР ҚАТОРИ ОБЛАСТИМИЗ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ХОДИМЛАРИ, САНОАТЧИЛАРИ, ЗИЁЛИЛАРИНИ ҲАМ БЕҲАД ҚУВОНТИРДИ.

Ўнинчи беш йилликнинг биринчи йилида областимизда меҳнаткашлар фаровонлигини ошириш бўйича кўп ишлар қилинди. Анчагина турар-жойлар, маданий-маиший аҳамиятга эга бўлган объектлар, болалар боғча ва яслилари, мактаблар, саломатликни мустаҳкамлаш профилакторийлари фойдаланишга топширилди.

Қўлга киритилган ютуқларнинг ҳаммаси—КПСС XXV съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XIX съезди қарорларини сидқидиллик билан амалга ошириш йўлида бутун куч ва ғайратлари, билим ва маҳоратларини аямай сарфлаётган партия, совет, касаба союз ва комсомол тошкилотлари етакчилигидаги бунёдкор халқимиз меҳнатининг буюк самарасидир. Бу зафарлар янада улкан довонларга чорламоқда.

КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи колхозчилари, совхозларининг ишчилари, механизаторлари, олимлари, қишлоқ хўжалик мутахассисларига, қишлоққа материал техника воситалари етказиб берувчи саноат ходимларига, барча меҳнаткашларга мактуби, партия Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг ишлаб чиқариш самарадорлигини ва иш сифатини ошириш, беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш учун Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини ўтказиш тўғрисидаги қарори жой-жойларда янги ижодий ғайрат ва кўтаринкилик туйғуларини жўштириб юборди. Шу кунларда корхона ва ташкилотлар, колхоз ва совхозлар, муассасаларда партия Марказий Комитетининг октябрь (1976 йил) Пленуми, СССР ва Ўзбекистон ССР Олий Советларининг навбатдаги сессиялари қарорларини амалга ошириш учун иш қизиб кетди.

Газетамизнинг бугунги сонида биз 1976 йилда область халқ хўжалигини ривожлантиришда эришилган ютуқлар ва келгуси режалар ҳақида ҳикоя қиламиз.

1977 ЙИЛ РЕЖАЛАРИ

Мамлакатимиз экономикасини мустаҳкамлаш ва халқ фаровонлигини оширишда улкан самаралар шоҳиди бўлган 1976 йил муваффақиятли якунланди. Ўтган йилги эришилган зафарлар 1977 йил планини ва умуман беш йилликни юксак кўрсаткичлар билан ниҳоялаш учун зарур шарт-шароитлар яратди. Бу йилги бош вазифа —меҳнат унумдорлигини, капитал маблағлар самарадорлигини янада оширишдан иборат. Бунинг учун объектларни ўз вақтида фойдаланишга топшириш, қурилиш муддатларини максимал даражада қисқартириш, топширилган қувватлардан унумли фойдаланиш, мавжуд корхоналарни реконструкция қилишни тезлаштиришни талаб қилади. Қишлоқ хўжалик борасида деҳқончилик маданиятини тобора юксалтириб бориш, ирригация ва мелиорация ишларини сифатли бажариш, ҳосилдорликни юксалтириб бориш лозим. Халқ истеъмол товарларини ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор берилади.

Беш йилликнинг иккинчи йилида Оҳангаронда мева ва томат консервалари заводи, Қибрайда консерва ҳамда нон маҳсулотлари заводлари фойдаланишга топширилади. Ишлаб чиқариш самарадорлиги ва меҳнат унумдорлигини янада ошириш мақсадида Оққўрғон ва Алимкент пахта заводлари, шунингдек, Жумабозор луб заводида реконструкция ишлари тугалланади.

Ватанга энг қимматбаҳо ҳомашё — пахта етказиб беришни янада кўпайтириш тадбирлари амалга оширилади. Сув чиқмайдиган зоналарни экинзорларга айлантириш учун анчагина маблағ сарфланади. Хусусан, Паркент каналини қуриш давом эттирилади. Оҳангарон сув омборининг ҳажми 200 миллион куб метргача кўпайтирилади.

Юбилей йили планини бажаришни таъминлаш мақсадида сабзавот етиштириш ва аҳоли ёрдамида тайёрлашни 1976 йилдагига нисбатан 23 минг тонна кўпайтириш мўлжалланмоқда.

Айни бир вақтда бу йилги режаларга кўра 3,4 минг гектар янги ерга сув чиқариш, 3,3 минг гектар ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, 2 минг гектар ердаги суғориладиган системаларни реконструкция қилиш, 2 минг гектар ерда капитал планировка ўтказиш ва шудгорланган ерларга агротехника нормаларига мувофиқ минерал ва органик ўғитларни ўз вақтида бериш, шунингдек, қишлоқ хўжалиги моддий-техника базасини янада мустаҳкамлашга қаратилган бошқа тадбирлар амалга оширилади.

Капитал қурилиш борасида йирик вазифалар ҳал қилинади.

Капитал маблағларнинг каттагина ҳажми чорвачилик ва сутчилик комплексларини фойдаланиш учун топширишга сарфланади. Янги йилда 6800 бош сигирга мўлжалланган 15 та сутчилик комплексларини фойдаланишга топширилади.

Ўнинчи беш йилликнинг иккинчи йилида аҳоли турмуш шароитини янада яхшилашга қаратилган қатор масалалар ҳал этилади. Жумладан 1977 йилда 114,53 минг квадрат метр турар-жой, 8478 ўқувчи ўринли мактаблар, 1260 ўринли боғча ва яслилар ҳамда 240 ойкали ва 500 кишини қабул қилиш имкониятига эга бўлган поликлиникалар фойдаланишга топширилади.

1977 йилда водопровод тармоқларини ривожлантириш учун 1,39 миллион сўм ва асосий фондлар қувватини ишга туширишга 2 миллион сўмдан кўпроқ маблағ ажратиш мўлжалланган.

Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ҳажми 10,4 процент, шу жумладан қишлоқда 11,3 процент ўсади. Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш уйлари ва ихтисослашган устахоналар қуриш учун 590 минг сўм сарфланади. Шаҳарлараро телефон линияларининг узунлиги 35 километрга етказилади, шаҳар телефон станцияларининг ҳажми 35 минг номерга, қишлоқда эса 13 минг номерга етади. Қибрайда алоқа узелини қуриш давом эттирилади, Чиноз шаҳрида, Солдатское посёлкасида алоқа узели қуришга киришилади.

Беш йилликнинг иккинчи йилида халқ маорифи янада равнақ топади. 7 та мактаб қурилади ва йил охиригача мактаблар сони 830 тани ташкил этади. Уларда 389,68 минг ўқувчи билим олади, шу жумладан куни узайтирилган мактаблар ва группаларда 84 минг, мактаб-интернатларда 2 минг ўқувчи таълим олади. Кечки ишчи-ёшлар, қишлоқ ёшлари ва кундузги сиртқи мактабларда ўқувчилар сони 24,1 минг нафарга етади.

Янги йилда Олмалиқ шаҳрида ва Тошкент районида спорт мактаблари, Янгийўл районида пионерлар уйи, Юқори Чирчиқ ва Тошкент районида музика мактаби ҳамда Бекобод районида маданият уйини фойдаланишга топшириш кўзда тутилмоқда.

Касалхоналарда койкалар сони 16,8 мингтага етади, яъни колхозлар, саноат корхоналари, ташкилотлар, маҳаллий Советлар ижроия комитетларининг қўшган ҳиссаси ҳисобига 900 койкага ортади. Бундан ташқари қўшимча равишда 7 та дорихона қурилади.

Қулайлаштирилган биноларда 25 та оммавий кутубхона ва 2 та клуб қуриш кўзда тутилмоқда.

Ҳунар-техника мактабларида ўқувчиларнинг сони 12 минг 170 кишини ташкил этади.

Газлаштириш хизмати янада ривожланади. Йил давомида 7 минг квартира, ундан 4,7 минги табиий, 2,3 минги суюлтирилган газ билан таъминланади.

Автомобиль транспорти билан юк ташиш 11,2 процент ўсади ва 30800 минг тоннани ташкил этади.

Бу йил 90,5 километр узунликда йўл қуриш ва 173 километр узунликдаги йўлни ремонт қилиш кўзда тутилмоқда.

Область саноат корхоналарининг коллективлари, қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари, транспорт, алоқа, савдо ходимлари область партия ташкилотининг раҳбарлиги остида Асосий йўналишларда белгиланган ва КПСС XXV съезди ҳамда Ўзбекистон Компартиясининг XIX съезди қарорлари билан тасдиқланган планларни муваффақиятли бажаришни таъминлаш юзасидан мусобақани қизитиб юборишлар.

Суратда: областимиз саноат ва қишлоқ хўжалик илғорларидан бир группаси.

БЕШ ЙИЛЛИКНИНГ УЛКАН ОДИМИ

СССР Марказий Статистика бошқармасининг ахборотида бундай дейилади: Совет Иттифоқи меҳнаткашлари КПСС XXV съездининг тарихий қарорларини амалга ошира бориб, ўнинчи беш йилликнинг биринчи йили планини муваффақиятли бажариш учун социалистик мусобақани авж олдириб юбордилар ва хўжалик ҳамда маданий қурилишнинг барча соҳаларида янгидан-янги муваффақиятларга эришдилар. Экономикани ривожлантириш ва ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини юксалтириш негизида партия съезди қабул қилган социал ривожланиш ва халқ турмуш даражасини ўстириш программаси амалга оширилди.

1976 ИИЛДА СССР ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАВЛАТ ПЛАНИНИНГ БАЖАРИЛИШ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўтган йили халқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий кўрсаткичлари қуйидаги маълумотлар билан характерланади: истеъмол ва жамғарма учун фойдаланилган миллий даромад 1975 йилдагига нисбатан 105 процент; саноат маҳсулоти 104,8 процент, шу жумладан, ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқариш («А» группаси). 105,5 процент ва истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш («Б» группаси) 103 процент; қишлоқ хўжалиги маҳсулоти 104 процент; асосий фондларни ишга туширишнинг 102 процент; капитал маблағ сарфлаш 104 процент; ҳамма турдаги транспорт юк оборотининг 104,5 процент; ишчи ва хизматчилар сони 102 процент; халқ хўжалигида иш ҳақи фонди 105,9 процент; ишчи ва хизматчиларга пул билан тўланадиган ўртача иш ҳақи 103,6 процент; колхозчиларнинг меҳнат ҳақи 106 процент; аҳолининг ижтимоий истеъмол фондларидан олган тўловлари ва имтиёзлари 105 процент; аҳоли жон бошига реал даромад 103,7 процент; чакана товар оборотининг 104,6 процент; маиший хизмат кўрсатиш ҳажми 108 процент; фойдаланишга топширилган уй-жойларнинг жами саҳни 98,7 процент, саноатда меҳнат унумдорлиги 103,3 процент, колхоз ва совхозларда меҳнат унумдорлиги 109 процент, қурилишда меҳнат унумдорлиги 103,3 процент, темир йўл транспортида меҳнат унумдорлиги 101,3 процент; халқ хўжалигида олинган фойда (таққослама нархларда) 107 процент; ташқи савдо оборотининг 110 процент бўлди.

Миллий даромад 380 миллиард сўмни (амалдаги нархларда) ташкил этди ва бир йил ичида 18 миллиард сўм кўпайди. Миллий даромаднинг қарийб тўртдан уч қисми истеъмол учун фойдаланилди, уй-жой ва социал-маданий қурилишга қилинган ҳаражатларни ҳам ҳисобга олганда миллий даромаднинг тахминан бешдан тўрт қисми бевосита халқ фаровонлиги учун сарфланди.

(Давоми 4-бетда).

ДЕҲЛИГА БОРАЁТИБ

Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Эдвард Герек расмий визит билан Ҳиндистонга бораётиб 23 январь куни кечқурун Тошкентда тўхтади.

Польша Халқ Республикаси давлат кенгаши раисининг ўринбосари Здзислав Томаль, Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитетининг секретари Ришард Фрелек, ПХР сеймининг вице-маршали Петр Стефаньский, ПХР Ташқи ишлар министри Эмиль Войташек, ПХР Ташқи савдо ва денгиз хўжалиги министри Ежи Ольшевский, ПХР Министрлар кенгаши ҳузуридаги планлаштириш комиссияси раисининг биринчи ўринбосари Мачей Вировский, ПХР радио ва телевидение ишлари комитети раиси Мачей Шчепаньский, Сейм депутати Войцех Зўкровский Эдвард Герекка ҳамроҳлик қилмоқдалар.

Польша Халқ Республикаси, Совет Иттифоқи ва Ўзбекистон ССР давлат байроқлари билан безатилган Тошкент аэропортида Эдвард Герекни ва Польшадан келган бошқа меҳмонларни КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Бюро аъзолари ва Бюро аъзолигига кандидатлар Л. И. Греков, Т. Н. Осетров, О. У. Салимов, Э. Б. Нордман, Г. М. Орлов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари А. Р. Хўжаев, Тошкент шаҳар партия комитетининг иккинчи секретари К. П. Дудин, Тошкент шаҳар ижроия комитетининг раиси В. О. Козимов ва бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

Эдвард Герек ва у билан ҳамроҳ бўлиб келган кишилар шарафига Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети зиёфат берди. Зиёфат қардошларча дўстлик вазиятда ўтди.

Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Эдвард Герек ва Польшадан келган бошқа меҳмонлар 24 январь куни эрталаб Тошкентдан Деҳлига жўнаб кетдилар.

(ЎзТАГ).

1977 ЙИЛДА ТАЙЁРЛАНАДИ:

- 410 МИНГ ТОННА ПАХТА.
- 305 МИНГ ТОННА КАНОП.
- 68,5 МИНГ ТОННА ДОН.
- 362 МИНГ ТОННА САБЗАВОТ.
- 55 МИНГ ТОННА КАРТОШКА.
- 28,5 МИНГ ТОННА ГЎШТ.
- 96 МИНГ ТОННА СУТ.

ҚИШЛОҚ хўжалик меҳнаткашлари кўкламги дала ишларига ҳар тарафлама ва пухта тайёргарлик кўриш ҳосил учун курашда нақадар катта аҳамиятга эга эканлигини яхши биладилар. Бу соҳадаги ҳамма иш муҳим, бунда иқир-чиқирлар йўқ. Аввало кадрларга оммавий равишда таълим бериш, уруғлик тайёрлаш, нам тўплаш, кузги экинларни сақлаб қолишга ҳаракат қилиш, минерал ўғитларни ташиб олиш ва органик ўғитлар ғамлаш, техниканинг тўла шайлигини таъминлаш, ҳосилга хизмат қиладиган бошқа ҳамма тадбирларни амалга ошириш ана шундай ишлар жумласига киради.

(КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи колхозчилари, совхозларининг ишчилари, механизаторлари, олимлари, қишлоқ хўжалик мутахассисларига, қишлоққа материал техника воситалари етказиб берувчи саноат ходимларига, барча меҳнаткашларига Мактубидан).

ҚУВОНЧЛИ ЗАФАРЛАРДАН

САНОАТ

ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДАН

ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИНИ ривожлантиришнинг ўнинчи беш йилликка мўлжалланган Асосий йўналишларида саноатнинг бош вазифаси аҳолининг юқори сифатли маҳсулотларга бўлган талабини тўлиқ қондиришдан, ҳамма тармоқларда техника билан қайта қуролланишни ва ишлаб чиқаришни интенсивлаштиришни таъминлашдан иборатлиги таъкидланди.

Областимиз саноатининг равнақи ҳам ана шу йўлдан борди. Барча корхоналар, ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган бирлашма ва ташкилотлар мавжуд техникадан унумли фойдаланиш резервларини ишга сола бошладилар. Самарадорлик ва сифат учун кураш асосий шиор бўлиб қолди. Кўп ҳамда арзон, сифатли маҳсулот етиштиришда янги-янги ташаббускорлар даъвати катта аҳамият касб этди.

МЕҲНАТ фронтининг турли жабҳаларида бўлгани сингари саноат тараққиётини ривожлантириш йўлида ҳам ташаббускорлик ҳаракати кенг авж олди. Жумладан, бир беш йилликда икки беш йиллик планларини бажарини даъвати билан чиққан «Ўнлар ташаббуси»нинг ижодкорларидан Тошкент тўқимачилик комбинатининг тўқувчиси Анна Верзилина, авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг фрезерчиси Альбина Девятова, электрон-техника заводининг созловчиси Анвар Муҳамедов, Чирчиқдаги «Промтехмонтаж» бошқармасининг монтажчи-слесари Михаил Овсянников ҳамда номлари бугун кўпчиликка маълум бўлган Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари Буолма Жўраева ва Маҳмуд Мўйдинов сингари юзлаб ватанпарварлар йилни муваффақиятли якунлашга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшишди.

Социалистик мусобақани кун сайин қизитиш, янги техника жараёнларини, прогрессив ва илғор иш усулларини саноат ишлаб чиқаришга жорий қилиш туфайли маҳсулотлар ҳажми сезиларли равишда ўсди. Уларнинг турлари кўпайди, сифатини яхшилашга алоҳида эътибор берилди. Саноат маҳсулотлари реализация қилиш ишлари ўн бир ойдаёқ ортиғи билан адо этилди. Шу муддат ичида пландан ташқари 144,5 миллион сўмлик сифатли саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Шуниси қувончлики, 1976 йилнинг биринчи ярим йиллигида ишлаб чиқилган 30 миллион сўмлик саноат маҳсулотининг 97 тўри Сифат белгисига сазовор бўлди.

Кўплаб саноат корхоналари йиллик планларини муддатидан олдин бажардилар. Ички имкониятлардан унумли фойдаланган Чирчиқдаги «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмаси, Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати, Ангрен кўмир разрези, Бекобод гўшт комбинати, Юқори Чирчиқ, Янгибозор луб заводлари ва бошқа қатор саноат корхоналари йиллик планларини ўн-ўн бир ой ичида бажариб беш йилликнинг иккинчи йили ҳисобига меҳнат қила бошладилар.

Ўнинчи беш йилликнинг биринчи йили областимиз саноати тарихида унутилмас йил бўлди. Чирчиқ дарёсида йирик иқтисодий аҳамиятга эга бўлган яна бир улкан нурхона — Хўжакент ГЭСининг ишга туширилиши фақат саноатчиларингина эмас, областимиздаги барча меҳнаткашлар қалбини қувонч, ифтиҳор туйғуларига тўлдириб юборди.

Ғазалкент тошни қайта ишлаш комбинати, Олмалиқ сунъий гилам фабрикаси каби муҳим саноат объектларининг фойдаланишга топширилиши областимиз экономикаси, иқтисодий қудратини юксалтиришга муҳим ҳисса қўшди.

Оҳангарон ва Янгийўл шаҳарлари, Оққўрғон, Бўка, Қуйи Чирчиқ, Пскент районларидаги қатор саноат корхоналарининг коллективлари социалистик мусобақада қизғин иштирок этдилар. Зиммага олинган шахсий беш йиллик топшириқлари, социалистик мажбуриятлар шараф билан ўрнилатилди. Хусусан, Оҳангарон шаҳар саноат ходимлари 11 ойдаёқ, маҳсулот реализация қилиш планини мажбуриятдагига нисбатан 6,6 процент ортиғи билан бажаришди, шу муддат ичида оққўрғонликлар мажбуриятда кўрсатилганидан 243 минг сўмлик, бўкаликлар 131 минг сўмлик, Қуйи Чирчиқ саноатчилари 416 минг сўмлик кўп маҳсулот реализация қилдилар.

Областдаги кўплаб саноат корхоналарида меҳнат самарадорлигини оширишга қаратилган зарур тадбирларнинг амалга оширилаётганлиги яхши натижалар берди. Иш суръати, ишлаб чиқариш ҳажми сезиларли равишда юксалди. Олмалиқ, Янгийўл, Бекобод, Оҳангарон шаҳарларида, Ўрта Чирчиқ ва Бўстонлиқ районлари корхоналарида янги технология жараёнлари ишлаб чиқаришга тезкорлик билан жорий этилди.

Йил давомида пландагидан ташқари бир неча миллион сўмлик қўшимча фойда олинди. Бу соҳада ҳам Олмалиқ ва Чирчиқ саноатчиларининг ютуғи айниқса салмоқли бўлди.

Меҳнат унумдорлигини оширишга алоҳида эътибор берилди. Оҳангарон ва Янгийўл шаҳарлари, Чиноз, Бўка, Оққўрғон районларининг саноат корхоналарида меҳнат унумдорлиги кўзда тутилганига нисбатан ўн процентгача ортди. Умуман областимизда маҳсулот ишлаб чиқариш кўпайишининг асосий қисми меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига амалга оширилди.

1977 йилда, жумладан ўнинчи беш йилликнинг кейинги йилларида область саноатининг ҳамма тармоғи янги-янги қувватларни ишга тушириш, меҳнат унумдорлигини ошириш ва ишлаб чиқаришни янада такомиллаштириш ҳисобига бундан ҳам кенгаяди.

Минерал ўғитлар ишлаб чиқарадиган корхоналар, жумладан Чирчиқ «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмаси ва Олмалиқ химия заводининг ишлаб чиқариш қувватлари орттирилади. Чирчиқ трансформатор заводи, Жумабозор луб заводи, Оққўрғон пахта заводларини қайтадан реконструкция қилиш, Оҳангарон цемент комбинатида янги цех очиш ва Ангрен қурилиш материаллари комбинатида рангли цемент ишлаб чиқаришни ўзлаштириш мўлжалланмоқда.

Сифат ва самарадорлик йили областимиз саноати тараққиётида ҳар томонлама ўз аксини топди. Саноатчилар олдида кенг уфқлар очган ўнинчи беш йилликнинг биринчи йили янги ташаббуслар ва қаҳрамонларни майдонга келтирди. Ивановолик мусобақадошлар билан қизғин беллашаётган пойтахт области саноатчилари ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларида юксак натижаларга эришиш, ўнинчи беш йилликнинг иккинчи йилида меҳнат унумдорлигини бундан ҳам ошириб, партия томонидан белгилаб берилган вазифаларнинг тўла-тўкис бажарилиши учун курашадилар.



Э. Қўчқоровнинг Ўзбекистон металлургия заводида ишлаётганига кўп йил бўлди. У пўлат эритиш бўйича ҳамиша кунлик нормасини ортиғи билан бажараётир. Ўз касбини пухта эгаллаган бу ишчи Коммунистик Меҳнат зарбдори сифатида қуюв цехида социалистик мусобақани бошқармоқда. Суратда: (чапда) илғор пўлат эритувчи Э. Қўчқоров, (ўнгда) цехда иш жараёни.

ПАХТА

(Белгиланган план минг тонна ҳисобида).

ДОН



(Белгиланган план минг тонна ҳисобида).

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

ДАСТУРХОНИМИЗ ТЎКИН БЎЛСИН

ПОЙТАХТ ОБЛАСТЬ пахтакорлари партия XXV съезди қарорларини амалга ошириш учун курашиб, далаларда мўл ҳосил етиштирдилар ва об-ҳаво ноқулайликларини мардонавор енгиб, колхозчилар ҳамда совхоз ишчилари давлатга пахта сотиш бўйича олган мажбуриятларини 4 ноябрь куни бажардилар. Колхоз ва совхозлардан тайёрлов пунктларига 446 минг тоннадан знёд пахта етказиб берилди. Тайёрланган пахтанинг учдан икки қисми биринчи ва иккинчи сортларга қабул қилинди. Мўл ҳосил учун курашдаги ишнинг муваффақиятини асосан область механизаторлари таъминладилар. Ялпи ҳосилнинг 78 процента пахта териш машиналари ёрдамида йиғиб олинди. Область бўйича ҳар бир машина зиммасига ўртача 125 тоннадан пахта тўғри келди.

ЧИНОЗ районидаги Киров номли колхознинг бригада бошлиғи, Ленин мукофоти лауреати, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Турсуной Охунова машинада 450 тонна пахта териб, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневга йўллаган хатида берган сўзининг устидан чиқди. 95 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 64 центнердан ҳосил олинди. Оққўрғон районидаги Вотинцев номли колхоздан Турқора Раҳимбердиев 333 тонна, Бўка районидаги Тимирязев номли колхоздан Пўлат Асроров 290 тонна, шу райондаги «Октябрь 40 йиллиги» колхозидан Сервер Усеинов 350 тонна пахта теришга муваффақ бўлдилар.

Пахтадан мўл ҳосил етиштиришда областимизнинг барча районларида авж олган эллик центнерчилар ҳаракати муҳим роль ўйнади. М. Исматов, Ҳ. Қодиров, Э. Алиев, В. Тўхтабоев, Кан О Нам, С. Иброҳимов, Н. Зоирхўжаев, П. Тошхўжаев, Т. Охунова, Ш. Валижонов, Б. Исматов, С. Тошхўжаев, Ж. Пиримқулов, Х. Тўрахўжаев, И. Ғуломов, К. Қўлдошев, У. Алимбоев, В. Ким каби саксон нафардан знёд донгдор пахтакорлар бу ташаббус даъваткори бўлиб чиқдилар ва улар ўз ваъдаларига эришдилар.

Юқори Чирчиқ районидаги «Политотдел» колхозидан В. Ким бошлиқ комплекс бригада 78 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 50 центнердан пахта ҳосили олишга эришди. Ҳосилнинг ҳаммаси машиналар билан териб олинди. Область бўйича гектар бошига ўртача ҳосил 1975 йилдаги 30,7 ўрнига 32,6 центнерни ташкил этди ёки ҳосилдорлик 1,9 центнерга ортди.

Юқори Чирчиқ, Янгийўл ва Ўрта Чирчиқ районларининг меҳнаткашлари пахта етиштириш бўйича халқ хўжалик планини муваффақиятли бажардилар ва пландан ташқари анчагина кўп ҳосил топширдилар. Айниқса давлатга пахта топшириш бўйича юксак социалистик мажбуриятларини биринчи бўлиб бажарган Қуйи Чирчиқ райони меҳнаткашларининг ишини алоҳида қайд этмоқчимиз. Бу районда область бўйича энг юқори кўрсаткичга эришилди ёки ҳар гектар майдондан 41 центнердан пахта олинди.

Область хўжаликлари давлатга каноп, сабзавот, полиз маҳсулотлари, мева ва узум топшириш юзасидан олган социалистик мажбуриятларини ҳам бажардилар.

Қабул пунктларига, маҳсулотни қайта ишловчи корхоналар ва савдо тармоқларига 314,7 минг тонна каноп, 405 минг тонна сабзавот, 79 минг тонна полиз маҳсулотлари, 95 минг тонна мева ва 77,7 минг тонна узум топширилди.

Область шоликорлари мўл ҳосил етиштирдилар ва давлатга шоли сотиш бўйича олган топшириқларини муваффақиятли бажардилар. Тайёрлов пунктларига пландаги 27 минг тонна ўрнига 32 минг тоннадан кўпроқ шоли топширилди. Давлат хирмонларига 103 минг тоннадан знёд дон тўкилди. Бу 1976 йилда белгиланган харид планидан 38 минг тонна кўп демакдир.

Бўка, Ўрта Чирчиқ, Юқори Чирчиқ районларининг шоликорлари давлатга шоли сотиш бўйича планларини муддатидан илгари бажардилар. Бекобод районидаги «Октябрь 46 йиллиги» номли ихтисослашган шоликорлик совхозининг, Қуйи Чирчиқ районидаги Калинин номли колхозининг шоликорлари областимиз меҳнат ютуғига катта ҳисса қўшдилар. Юқори Чирчиқ районидаги «Ленинский путь», Бўка районидаги Тимирязев номли, Ўрта Чирчиқ районидаги «Северний маяк» колхозларида ҳар гектар майдондан 63 ва ундан ҳам кўпроқ центнердан шоли олинди. Ўрта Чирчиқ районидаги «Северний маяк» колхозининг Раиса Хегай бошлиқ бригадаси эса гектаридан 75 центнердан шоли олишга муваффақ бўлди.

КПСС XXV съезди ва Ўзбекистон КП XIX съезди қарорларини амалга ошириш юзасидан социалистик мусобақани кенг қулоч ёйдирган областимиз пиллакорлари зиммаларидаги социалистик мажбуриятларини муддатидан аввал адо этдилар ва тайёрлов пунктларига 1904 тонна пилла топширдилар. Ҳар бир қутидан ўртача 67 килограммдан қимматбаҳо хом ашё олинди.

Оққўрғон районидаги Навоий номли колхоздан Ҳадича Қосимова, «Коммунизм» колхозидан Раҳима Норқулова, Бекобод районидаги Дзержинский номли колхоздан Робия Тўхтабоева, Ойбек номли совхоздан О. Қурбонова, Бўка районидаги «Ленин йўли» колхозидан Анор Маматқулова, «Кўкорол» совхозидан Бувиниса Исматова ва бошқа кўплаб пиллакорлар иш жараёнига прогрессив усулларни жорий этиб, ҳосилдорликни оширишга эришдилар ва ҳар қутидан 100-110 килограммдан пилла олишга муваффақ бўлдилар.

Шу йилнинг 15 ноябригача ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 416 тонна гўшт, 6114 тонна сут, 9275 минг дона тухум, 1142 центнердан жун кўп тайёрланди. Гўшт харид қилиш бўйича халқ хўжалик планини 10 та район, сут бўйича 10 та, тухум бўйича 11 та, жун бўйича 12 та район бажарди.

ОБЛАСТДА дағал хашак тайёрлаш муваффақиятли олиб борилди. Шу йилнинг 15 ноябригача бўлган маълумотга кўра колхоз ва совхозлар 594,7 минг тонна дағал хашак тайёрлаб, планни 144,3 процент адо этганлар.

Ҳозирги пайтда дала меҳнаткашларининг куч ва ғайратлари ишни муваффақиятли якунлаш, қишловни уюшқоқлик билан ўтказишни таъминлаш, деҳқончилик ва чорвачилик бўйича келгуси йилда юксак кўрсаткичларга эришиш учун тайёргарликка қаратилган.

МАИШИЙ ХИЗМАТ

АҲОЛИГА ЯНГИ ҚУЛАЙЛИКЛАР

АҲОЛИГА маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш сифат ва самарадорлик беш йиллигининг асосий вазифаларидан бири қилиб белгиланган. Бу соҳада областимизда ҳам бир қатор ишлар амалга оширилиши мўлжалланмоқда. Жумладан, маиший хизмат тармоқларини кенгайтириш, хизмат кўрсатишнинг прогрессив усулларидан фойдаланишга кўпроқ эътибор берилади. Қатор район ва шаҳарлардаги маиший хизмат ишлари, пунктлари ва устахоналарининг ишлари такомиллаштирилади.

Кўпгина жойларда янгидан эллик ишчи ўрнига эга бўлган аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ишлари қурилади. Бундай ишлар Янгийўл район марказидаги «Гулбаҳор»да, Дукент посёлкасида шунингдек, беш йиллик давомида Оржоникидзе районидаги Тошкент қишлоқ хўжалиги институти территорияси ва Тошкент районида бунёд этилади. Бекобод ва Янгийўлда бир сменада 260 жуфт пойафзал тикиш ва ремонт қилиш қувватига эга бўлган махсус корхона ишга тушириладигандек. Бу районларда йилига 300 минг сўмлик трикотаж буюмлари тайёрлайдиган фабрика маҳсулот бера бошлайди. Колхоз маблағлари ҳисобига область районларида тўққизта маиший хизмат кўрсатиш ишлари қурилади.

Хизмат кўрсатишнинг турлари янада кўпаяди. Шу мақсадлар учун ходимлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш борасида кўпгина тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилган. Ҳар соҳада бўлгани сингари маиший хизмат даражасини юксалтириш учун ҳам ходимлар ва коллективлар ўртасида социалистик мусобақани ташкил этишга алоҳида аҳамият берилади. Мусобақа якунлари ҳар ой ва кварталда тикиш ва ремонт қилиш қувватига эга бўлган махсус корхона ишга тушириладигандек. Бу районларда йилига 300 минг сўмлик трикотаж буюмлари тайёрлайдиган фабрика маҳсулот бера бошлайди. Колхоз маблағлари ҳисобига область районларида тўққизта маиший хизмат кўрсатиш уй

1977 йилда Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақа кенг қулоч ёйдирилсин, юбилей йилида план топшириқларини анча ошириб бажариш, умуман беш йилликни муваффақиятли тугаллаш учун мустаҳкам замин яратиш мақсадида барча ишчилар, колхозчилар, мутахассислар бу мусобақага жалб этилсин. Беш йилликнинг иккинчи йили топшириқларини 1977 йил 7 ноябргача бажариш мажбуриятини олган илғор ишчилар ва коллективларнинг ташаббуси маъқуллансин.

(КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг «Ишлаб чиқариш самарадорлигини ва иш сифатини ошириш, ўнинчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш учун Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини ўтказиш тўғрисида»ги қароридан).

1980 ЙИЛДА ТАЙЁРЛАНАДИ:

- 425 МИНГ ТОННА ПАХТА.
- 320 МИНГ ТОННА ҚАНОП.
- 72,5 МИНГ ТОННА ДОН.
- 430 МИНГ ТОННА САБЗАВОТ.
- 63 МИНГ ТОННА КАРТОШКА.
- 40 МИНГ ТОННА ГЎШТ.
- 129 МИНГ ТОННА СУТ.

ЮКСАК МАРРАЛАР САРИ

КАПИТАЛ ҚУРИЛИШ

БУНЁДКОРЛИК

ЎТГАН ЙИЛИ областимизда капитал маблағлар самарадорлигини ошириш асосий фондларни қўпайтириш, қурилиш ишларини планлаштириш, лойиҳалаш ва ташкил этишни яхшилашга алоҳида эътибор берилди. Қурувчилар орасида объектларни ўз вақтида фойдаланишга топшириш, таннархини камайтириш бўйича мусобақа кенг қулоч ёйди. Қатор ташкилотлар ва бригадалар Злобин методи асосида ишладилар. Хусусан, 60 бригада бу метод бўйича ишлаб зарбдорлик нормига эришди. Умуман область бўйича 1976 йилнинг ўн ойи давомида 283,2 миллион сўмлик давлат капитал маблағи ўзлаштирилди. 157,2 миллион сўмлик асосий фондлар ишга туширилди. Умумий майдони 175,2 минг квадрат метр бўлган турар-жой, 1789 ўқувчи ўринли мактаблар 1490 ўринли боғча ва яслилар қурилди.

БЕШ йилликнинг биринчи йилида чорвачилик комплексларини қуриш ишлари жадаллаштирилди. Натижада 5,6 минг бош қора мол сақланадиган 8 та комплекс фойдаланишга топширилди. Комплекслардаги барча кўп меҳнат талаб қиладиган жараёнлар механизациялашди ва автоматлашди.

Областда янги суғориладиган ерлар очилди ва 3,3 минг гектар янги ер экин оборотига қўшилди, 6,4 минг гектар майдондаги ерининг мелиоратив ҳолати яхшиланди. Маълумки, партия ва ҳукуматимизнинг қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш тўғрисидаги қатор кўрсатмаларида суғориш системаларини тобора такомиллаштириш, неча йиллар мобайнида сувсизликдан қақраб ётган минг-минглаб гектар майдонлардаги ерларни суғориш тадбирлари белгиланмоқда. Бу жиҳатдан областимизда ҳам дадил одим ташланди. 4,4 минг гектар майдонни сув билан таъминлаш яхшиланди. 30 гектардан зиёд ерда теплица хўжаликлари вужудга келди.

Янги беш йилликда гўшт ва парранда гўшти етиштиришни асосий мақсад қилиб қўйган эдик. Бунинг учун Ўртасарой паррандачилик фабрикасининг қувватини 6 минг бошга, Бўстонлиқ паррандачилик фабрикасининг қувватини 7,4 минг бошга қўпайтиришга эришилди.

Қурилиш ишларини ўз вақтида ва сифатли бажаришда «Узбекшахтастрой», Узбекистон қурилиш министрлигининг 160-, 23-трестлари коллективлари алоҳида намуна кўрсатдилар. Бу трестларда меҳнат унумдорлиги плани ошириб бажарилди. Мавжуд машиналар ва механизмлардан унумли фойдаланилди.

Қишлоқда қурилишни тартибга солиш юзасидан анча ишлар қилинди. Областнинг барча районлари учун шу районларни планировка қилиш лойиҳаларн ишлаб чиқилди ва бу лойиҳалар қурилишларни олиб боришда асосий ҳужжат бўлиб қолди. Ўнинчи беш йилликда хутор системасини тугаллаш суръатини жадаллаштириш мақсадида энг камида 365 хуторни тугатиш кўзда тутилмоқда. 1976 йилнинг 1 октябригача бўлган маълумотга кўра 342 колхоз ва совхозларнинг перспектив посёлкаларидан 251 таси ёки 73 проценти, шу жумладан 126 та колхоз ва 125 та совхоз посёлкаси бош планларн билан таъминланган.

Қишлоқ қурилишини индустрлаштириш, унинг ишлаб чиқариш базасини мустаҳкамлаш бўйича ҳам кўп ишлар қилинди. Буларнинг ҳаммаси иш суръатини оширди. 1976 йилнинг ўн ойи ичида область колхозларида умумий майдони 19134 квадрат метр турар-жой, 6960 ўқувчи ўринли мактаблар, 920 ўринли мактабгача болалар муассасалари қурилиб фойдаланишга топширилди. 25 та қишлоқ хуторк тугалланиб, 296 онла истиқболли посёлкаларга кўчирилди.

Қурилиш соҳасида областимиз зиммасида катта вазифалар турипти. Қурилиш ташкилотлари белгиланган планлар ва мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш учун мавжуд резервлардан унумли фойдаланишлари, ишчи кучи, машиналар ва механизмларни, моддий ресурсларни шу топшириқларнинг бажарилишига қаратишлари керак. Объектларда ажратилган маблағларни ўзлаштиришга эришиш зарур.

Маҳаллий Советлар жойлардаги капитал қурилишларни анализ қилганлари ҳолда ҳар бир қурилишни назорат остига олишлари, қурилиш ташкилотларини ишчи кучи билан таъминлаш борасида ғамхўрлик кўрсатишлари ва қурувчиларнинг турмуш шароитини яхшилашга ёрдам беришлари керак.

ҚИШКИ ҚЎЗИЛАР

Узбекистондаги хўжаликларда совлиқлардан қишда қўзи олиш бошланди. Урта Чирчиқ районидаги Ким Пен Хва номли колхознинг отарларида дастлабки қўзилар олинди. Чорвадорлар қўзи олиш мавсумига яхши тайёргарлик кўрдилар — қўйхоналар ишиб қўйилди, совлиқлар учун тўқ тутадиган ем-хашак етарли миқдорда ғамланди. Чўпонлар совлиқлардан қишда қўзи олиш кампаниясига алоҳида аҳамият бермоқдалар. Йилнинг ана шу фаслида қўзилар соғлом туғилади. Совлиқлар ҳам кўкламдагига нисбатан унча озиб кетмайди.

Бу йил республика чорвадорлари колхозлар ва совхозларда қўй ва эчкиларнинг умумий сонини олти ярим миллион бошга етказишни мўлжаллаб турибдилар. Совлиқлардан қишда қўзи олишнинг муваффақиятли бошланиши — зиммага олинган мажбуриятларни бажариш гаровидир.

Областимизнинг Ўрта Чирчиқ районида совлиқлардан қишки насл олиш бошланди. Райондаги Ким Пен Хва номли колхоз чорвадорлари бу мавсумга яхши тайёргарлик кўрдилар. Бу йил хўжаликда ҳар юз совлиқдан 120 тадан, ҳаммаси бўлиб эса 10 минг бош қўзи олинади. Суратда: колхоз қўй-қўзилари профилактикадан ўтказилаётган пайт.

Г. Пун фотоси.

МАҲАЛЛИЙ САНОАТ

ЮТУҚЛАРДАН РУҲЛАНИБ

МАҲАЛЛИЙ саноат соҳасида ҳам солмоқли ютуқлар қўлга киритилди. Тўққизинчи беш йиллик ва ўнинчи беш йиллик биринчи йили планлари ортиғи билан уддаланиб, пландан ташқари бир неча миллион сўмлик кенг талаб қилинаётган маҳсулотлар реализация қилинди.

КЕЙИНГИ йилларда аҳолининг маҳаллий саноат товарларига бўлган талабининг ўсиб бораётганлиги ҳисобга олиниб жойларда бир қанча замонавий корхоналар ишга туширилди. Жумладан Паркент ва Тўйтепа тикувчилик фабрикалари, Янгибозорда пахта фабрикаси ҳамда Бекобод шаҳридаги кроватъ заводлари маҳсулот бера бошлади. Алимкент посёлкасидаги трикотаж маҳсулотлари цехи ва Олмалиқ шаҳрида гилам ишлаб чиқарувчи фабрикалар ўнинчи беш йиллик биринчи йилининг дастлабки қутлуғ одими сифатида ишга тушди.

Партиямиз сифат ва самарадорлик масалаларига тўхтар экан, бу борада маҳаллий саноатнинг вазифаларини ҳам кўрсатиб берди. Ана шу кўрсатмалар асосида цехларни қайтадан техник жиҳозлаш ва реконструкция қилиш асосан ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш ва чиқарилаётган маҳсулот сифатини яхшилаш мақсадларига қаратилди. Калинин район хўжалик — маиший маҳсулот фабрикаси Оржоникидзе районидаги шу ҳилдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи фабрика билан бирлаштирилди. Бундай корхоналар цехларини махсуслаштириш шу кунларда ҳам давом этмоқда. Ишлаб турган тикувчилик муассасаларида тикувчилик ишлаб чиқариш базалари ташкил этилаяпти.

Беш йилликнинг дастлабки йили плани декабрь ойининг ўрталаридаёқ бажарилган эди. Пландан ташқари 1735 минг сўмлик халқ истеъмоли товарлари реализация қилинди. Меҳнат унумдорлигини ошириш, 102,3 процент кўпайди. Бу 1975 йилнинг шу даврига қараганда 8 процент зиёд демакдир.

Ҳар соҳада бўлгани каби маҳаллий саноатда ҳам меҳнат жабҳасида ўрнак бўлган коллективлар кўплади топилади. Юқори Чирчиқ районидаги пахта ва Бекобод шаҳридаги тикувчилик фабрикалари ҳамда Товоқсой машинасозлик фабрикасининг ишчи-хизматчилари йиллик планларини муддатидан олдин ортиғи билан адо этдилар. Социалистик мусобақа иштирокчилари онгли меҳнат намуналарини кўрсатиб олдинги сафда боришди. Улар орасида Бекобод тикувчилик фабрикасининг ҳозир 1978 йил ҳисобига тер тўкаётган ишчилари Ася Нам, Мария Ким, Октябрь революциясининг 60 йиллигига иккинчи беш йиллиқни бажаришга сўз берган ўртачирчиқлик тикувчилар Елизавета Ким ва Надежда Степановна Селезневалар бор. Бу илғорлар маҳсулот сифатига алоҳида аҳамият бериб ишламоқдалар.

Социалистик мусобақа ютуқлари омили бўлаяпти. Коммунистик меҳнат учун бошланган мусобақада 895 киши қизғин иштирок этаётир. Улардан 256 киши коммунистик меҳнат илғори деган фахрли номга сазовор бўлган.

Ўтган йил маҳсулотлар турини кўпайтиришда ҳам анчагина ютуқларга эришилди. Пландаги 25 хил ўрнига 40 хил янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш кенг йўлга қўйилди. Улар орасидаги алюминдан ишланган кофе идиши, юксак бадиий керамика маҳсулотлари, трикотаж буюмлари, турли бўёқлар ва бошқа хилдаги кенг истеъмол моллари юқори баҳоланди.

Маҳсулот сифатини яхшилашга қаратилган тадбирлар, илғор иш методларининг жорий этилиши ажойиб самаралар берди. Ўтган йили 978,2 минг сўмлик турли хил маҳсулотлар харидорларга «Сифат белгиси»ни остида етказиб берилди.

Кўпгина корхоналар техник жиҳатдан қайта жиҳозланди. 197 хил янги техник қурилмалар маҳаллий саноат соҳасида фойдаланила бошланди. Катта иқтисодий фойда келтирувчи таклиф ва янгиликлар дадилик билан ўзлаштирилди. Ангрен ва Бекобод тикувчилик фабрикалари, Оққўрғон тўқимачилик-галантерея фабрикаларида кўпгина жараёнлар механизациялашди. Жорий этилган 18 та рационализаторлик таклифи ўтган йили 41 минг сўм фойда берди.

ЎНИНЧИ БЕШ йилликнинг биринчи йилини муваффақиятли якунлаган областимиз маҳаллий саноати ходимлари янги марраларни кўзлаб меҳнат қилишаяпти. Улар партия қарорлари асосида беш йилликни муддатидан олдин бажариш учун курашмоқдалар.

ЮКСАЛИШ РАҚАМЛАРИ

МАҲАЛЛИЙ САНОАТ



(Ялпи маҳсулот ўсиши 1975 йилга нисбатан процент ҳисобида).

ГЎШТ

(Белгиланган план минг тонна ҳисобида).

ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИ



(Маҳсулот умумий ҳажми ўсиши 1975 йилга нисбатан процент ҳисобида).

ЧАКАНА ТОВАР ОБОРОТИ



(1975 йилга нисбатан процент ҳисобида).

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ

ТУМАН БОЙЛИК

АҲОЛИНИНГ саломатлигини сақлаш янада яхшиланади, медицина практикасига ҳозирги замон фанининг ютуқлари, диагностика ва даволашнинг янги методлари жорий этилади, соғлиқни сақлаш муассасаларида медицина ёрдами кўрсатиш сифати ва ишни ташкил этиш даражаси ортади.

КЎП профилли ва ихтисослашган даволаш муассасалари қуришни бирга кўшиб олиб бориш асосида соғлиқни сақлаш тармоқларининг базаси мустаҳкамланади. 1976—1980 йилларда тўртта касалхона ва санкизта даволаш корпуслари қурилади. Хусусан, Бўкада ва Бекобод районининг Зафар посёлкасида ҳар бири 240 койкали ҳамда 500 кишини қабул қилиш имкониятига эга бўлган поликлиника, кўп қаватли касалхоналар қад кўтаради.

Корхоналарнинг маблағлари ҳисобига 410 койкали учта касалхона, шу жумладан Ўртаовулдаги гўшт комбинати қошида ва Қуйи Чирчиқ районидаги «Огонёк» совхозида ҳар бири 105 койкали ва Бекобод шаҳридаги Узбекистон металлургия заводида 200 койкали касалхоналар қурилади.

1980 йилда койкалар сони 1975 йилдаги 15390 ўрнига 17350 тага етказилади.

Газетанинг ушбу сонидаги материалларни редакция ходимлари Саидвали ҲАСАНОВ ва Аҳмад БОБОБЕКОВ ўртоқлар тайёрлашган.

ҲАЛҚ МАОРИФИ

ЗИЁ ЧАШМАСИ

ЎНИНЧИ БЕШ йилликда халқ маорифи системаси янада ривожланади. 57 та янги умумтаълим мактаблари қўзда тутилган. Эйвали қурилиш материаллари комбинати, Ўртаовулдаги гўшт комбинати қошида ҳамда областнинг барча шаҳар ва районларида янги мактаблар қурилади.

1980 йилнинг охирига бориб, умумтаълим мактаблари сони 842 тага етади. Уларда 422,5 минг, яъни 1975 йилдагига нисбатан 23 минг кўп ўқувчи билим олади. Куни узайтирилган мактаблар ва группаларда шуғулланувчилар сони 1975 йилдаги 75,5 минг ўрнига 113 мингга кўпаяди. Кечки ишчи ёшлар, қишлоқ ёшлари ва кундузги-сиртқи мактабларда ўқувчилар сони 24,1 мингга, шу жумладан қишлоқ ёшлари мактабларида 2,7 мингга етади. Умумтаълим мактабларида ўқув-тарбия ишлари даражаси ортади.

Давлат капитал маблағлари ҳисобига 16,2 минг ўринли, шу жумладан маҳаллий советлар маблағлари ҳисобига 4,2 минг ўринли мактабгача болалар муассасалари қуриш мўлжалланмоқда. Бундан ташқари колхозлар томонидан 14,7 минг ўринли мактабгача болалар муассасалари қурилади. Олмалиқдаги тоғ-металлургия комбинати ва химия заводи, Тўйтепадаги металл-конструкциялари заводи ва Бекобод металлургия заводи қошида мактабгача болалар муассасалари фойдаланишга топширилади.

1980 йилнинг охиригача мактабгача болалар муассасалари барча тармоқларда тарбияланувчилар сони 105,8 минг, шу жумладан бюджетли муассасаларда 35,4 минг, колхоз муассасаларида эса 26 минг нафарга етади. Пионерлар саройлари ва уйларининг, ёш техниклар ва натуралистлар станцияларининг, спорт ва музика мактаблари ҳамда болалар муассасаларининг тармоқлари кенгаяди. Бешйиллликнинг охирига бориб, мактабдан ташқари муассасаларнинг сони 96 тага, музика мактабларининг сони эса 37 тага етади.

Ҳунар-техника билим юртларининг тармоғи 1975 йилдаги 34 ўрнига 50 тага кўпаяди. Ҳунар-техника мактабларига ўқувчилар қабул қилиш анча ортади ва 1975 йилдаги 2732 ўқувчи ўрнига 7860 ўқувчини ташкил этади. Беш йил ичида ҳунар-техника системасида область халқ хўжалигининг барча тармоқлари учун 51 минг нафар малакали ишчи тайёрланади.



БЕШ ЙИЛЛИКНИНГ УЛКАН ОДИМИ

(Боши 1-бетда).

Миллий даромад ўсишининг қарийб 80 процентига ижтимоий меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига эришилди. 4 миллионга яқин кишининг меҳнатини тежаб қолиш таъминланди; ижтимоий маҳсулотга материал сарфлаш камайтирилди. Бунинг натижасида тахминан 3 миллиард сўмлик хом ашё материаллар, ёқилғи ва бошқа меҳнат буюмлари тежаб қолинди.

Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 1975 йилдагига нисбатан 24 миллиард сўмлик кўпайтирилди ва 533 миллиард сўмликка (1975 йил 1 январгача корхоналарнинг улгуржи нархларида ҳисоблаганда) етди.

1976 йилда 117,4 миллиард сўмлик қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштирилди. Бу эса тўққизинчи беш йилликда етиштирилган маҳсулотнинг ўртача йиллик ҳажмидан 3 процент кўпдир.

Халқ хўжалигида жами қиймати 108 миллиард сўм лик ёки аввалги йилдагига нисбатан 1,6 миллиард сўмлик кўп асосий фондлар ишга солинди.

Совет Иттифоқининг ташқи савдо обороти сал кам 56 миллиард сўмни ташкил этди. Шу билан бирга Ўзаро Иқтисодий Ердам кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар билан ташқи савдо обороти 1976 йилги узоқ муддатли битимларда кўзда тутилгани ҳажмидан ошди.

Саноат маҳсулотини реализация қилиш ҳажми юзасидан белгиланган йиллик план ошириб бажарилди. Пландан ташқари 6 миллиард сўмликдан кўпроқ маҳсулот реализация қилинди.

Маҳсулот ишлаб чиқариш 1975 йилдагига нисбатан пландаги 4,3 процент ўрнига 4,8 процент кўпайди. Саноатнинг айрим тармоқлари бўйича маҳсулот ишлаб чиқаришнинг кўпайганлигини қуйидаги маълумотлардан кўриш мумкин: электроэнергетика 7 процент; ёқилғи саноати 4 процент; қора ва рангли металлургия 4 процент; химия ва нефть химияси саноати 8 процент; машинасозлик ва металл ишлаш 10 процент; ўрмон, ёғочсозлик ва целлюлоза-қоғоз саноати 3 процент; бинокорлик материаллари саноати 4 процент;

маданий-маиший моллар ва рўзғор буюмлари ишлаб чиқариш 7 процент кўпайди.

Меҳнат унумдорлиги 3,3 процент ошди. Фойда олиш 7 процент кўпайди.

Маҳсулотни реализация қилиш йиллик планини барча умумиттифоқ ва иттифоқ-республика саноат министрликлари ҳамда барча иттифоқдош республикалар ошириб бажардилар.

Техникани янада такомиллаштириш ва ишлаб чиқаришни интенсивлаш натижасида саноат ишининг техника-иқтисодий кўрсаткичлари яхшиланди.

1976 йилда умуман мамлакатда маҳсулотнинг энг муҳим турларини ишлаб чиқариш қуйидаги маълумотлар билан характерланади: 1111 миллиард киловатт-соат электр энергия ҳосил қилинди; 520 миллион тонна нефть (газ конденсатини ҳам қўшиб ҳисоблаганда 321 миллиард кубометр газ; 712 миллион тонна кўмир қазиб олинди; 105 миллион тонна чўян; 145 миллион тонна пўлат; 118 миллион тонна қора металлар прокати; 92,3 миллион тонна минерал ўғит (шартли бирликларда) 456 минг тонна ўсимликларни ҳимоя қилиш химиявий воситалари) шартли бирликларда; 1 миллион 20 минг тонна химиявий тола ва ип; 54,5 миллион дона автопокришкалар; 231 минг дона металл қирқувчи станоклар, шу жумладан — 6 мингта рақамли программа билан бошқариладиган станоклар; 3,7 миллиард сўмлик приборлар, автоматлаштириш воситалари ва уларнинг эҳтиёт қисмлари; 2,3 миллиард сўмлик ҳисоблаш техникаси воситалари ва уларнинг эҳтиёт қисмлари; 2 миллион 25 минг дона автомобиллар, шу жумладан 716 минг дона юк автомобиллари, 1 миллион 239 минг дона енгил автомобиллар; 562 минг дона тракторлар, 3,9 миллиард сўмлик қишлоқ хўжалик машиналари; 5,4 миллион тонна қоғоз; 124 миллион тонна цемент ишлаб чиқарилди.

1976 йилда 6 миллиард 775 миллион квадрат метр ип газлама, 764 миллион метр жун газлама, 807 миллион метр зигир толасидан тўқилган газлама, 1 миллиард 598 миллион метр шойи газлама тўқилди; 19,8 миллиард сўмлик тикувчилик буюмлари; 470 миллионта устки трикотаж; 725 миллион жуфт чарм-пойафзал; 1,3 миллион тонна мол ёғи; 2,8 миллион тонна ўсимлик мойи; 3,4 миллион тонна кондитер маҳсулотлари; 1 миллиард 47 миллион дона чиннифаянс ва сирланган гулдор сопол идишлар; 8,4 миллион дона радиоприёмниклар ва радиолалар; 7,1 миллион дона телевизорлар; 5,8 миллион дона холодильниклар; 1 миллион 59 минг дона мотоцикл ва мотороллерлар; 4,4 миллиард сўмлик мебель ишлаб чиқарилди.

Рангли ва нодир металлар, нефть химияси, нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари ва маҳсулотнинг бошқа турларини ишлаб чиқариш кўпайди.

Энг муҳим фойдали қазилмаларнинг қидириб топилган запаслари ортди.

Сўнгра СССР Марказий Статистика Бошқармасининг ахборотида бундай дейилади: умуман саноатда йиллик план муваффақиятли бажарилгани ҳолда айрим ишлаб чиқариш бирлашмалари ва корхоналар маҳсулотни реализация қилиш ва унинг белгиланган турларини ишлаб чиқариш, меҳнат унумдорлигини ошириш, жамғарма тўплаш юзасидан берилган топшириқларни бажармадилар. Пўлат, минерал ўғит, синтетик смола ва пластмасса, енгил ва озиқ-овқат саноати учун технология асбоб-ускуналари ҳамда уларнинг эҳтиёт қисмларини, иморатбоп ёғоч, цемент, йирма темир-бетон, ип газлама ва жун газлама, консервалар ва бошқа баъзи маҳсулот турларини ишлаб чиқариш плани тўлиқ бажарилмади. Маҳсулот бир қанча турларининг техникавий даражаси ва сифати ҳали ҳам паст. Янгидан ишга туширилган айрим объектларда маҳсулот ишлаб чиқариш таннархи, меҳнат унумдорлиги юзасидан лойиҳада белгиланган кўрсаткичлар секинлик билан ўзлаштирилмоқда. Фан ва техника соҳасида берилган бир қанча топшириқлар тўлиқ бажарилмай қолди.

1976 йилда мамлакатнинг бутун тарихи мобайнида энг кўп дон ҳосили етиштирилди, пахта, озуқабоп экинлар ва бир қанча бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил йиғиштириб олинди.

1976 йилда асосий донли экинлар — буғдойнинг ялпи ҳосил 96,9 миллион тонна, маккажўхорининг ялпи ҳосили 10,3 миллион тонна, шолининг ялпи ҳосили 2 миллион тоннадан кўпроқ бўлди. Давлат ресурсларига 92 миллион тоннадан энёд дон етказиб берилди.

Пахтакорлар меҳнатда муҳим ғалабани қўлга киритдилар. Барча пахтакор республикалар пахта сотиш юзасидан 1976 йилги давлат планини бажардилар; тайёр лов пунктларига 8,3 миллион тонна пахта етказиб берилди.

1976 йилда жамоат чорвачилиги учун сенаж, силос, концентрат озуқа ва озуқанинг бошқа турлари анча кўп тайёрланди, бу эса чорвачиликни ривожлантириш учун қулайроқ шароитларни таъминламоқда.

Ҳамма категориядаги хўжаликларда чорвачилик маҳсулотларини давлат йўли билан харид қилиш қўйидагича бўлди: 14,7 миллион тонна тирик вазнда чорва ва парранда, сўйилган вазнга айлантириб ҳисоблаганда 9,4 миллион тонна чорва ва парранда; 56,2 миллион тонна сут; 32,9 миллиард дона тухум харид қилинди.

Колхозларнинг ялпи даромади 23,6 миллиард сўм бўлди.

Қишлоқда хўжаликлараро кооперация янада ривож топди. Аграр-саноат корхоналари ва бирлашмаларини ташкил қилиш давом эттирилди.

Ишларнинг бутун комплекси бўйича қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга сарфланган капитал маблағлар 1975 йилдагига нисбатан 4 процент ошиб, 32,1 миллиард сўмга етди.

Қишлоқ хўжалигига 74,4 миллион тонна ёки 1975 йилдагидан 1,4 миллион тонна кўп минерал ўғит ва 2,7 миллион тонна ёки 1975 йилдагига нисбатан 542 минг тонна кўп озуқага қўшиладиган химиявий модда олди.

Қишлоқ хўжалигига техниканинг энг муҳим турларини ва минерал ўғитларни етказиб бериш плани бажарилди.

2,3 миллион гектар майдонда ўрмонларни қайта тиклаш ишлари ўтказилди.

Транспорт барча турларининг юк обороти 5,4 триллион тонна километрни ташкил этди ва илгариги йилдагига нисбатан 4,5 процент кўпайди. Пассажир обороти 779 миллиард пассажир-километрга етди ва 4,3 процент ошди.

Алоқа корхоналари (почта, телеграф, телефон, радио) маҳсулот умумий ҳажми планини, шаҳарлараро телефон алоқаси каналларини узайтириш, шаҳар ва қишлоқ телефон станциялари ҳажмини кўпайтириш планини бажарди. Радиоэшиттириш станциялари ва телевизион станциялар тармоғи кенгайтирилди.

1976 йилда, дейилади СССР Марказий Статистика Бошқармасининг ахборотида, давлатга қарашли саккам 250 та янги йирик саноат корхоналари, шунингдек кўпгина цех ва ишлаб чиқаришлар қурилиб, ишга туширилди. Кўпгина корхоналар техника билан қайта қуроллантирилди ва ишлаб турган корхоналар реконструкция қилинди. Кўп миқдорда уй-жойлар, мактаблар, касалхоналар ва маданий-маиший хизмат кўрсатадиган бошқа объектлар қурилди.

Қишлоқ хўжалигида 0,6 миллион бош чўчқани, 88 минг бош қорамол бузоқларини боқиб семиртирадиган давлат чорвачилик комплекслари, сут етиштириш учун 136 минг бош сигир боқиладиган комплекслар ишга туширилди. Паррандачилик фабрикаларида тухум қиладиган товуқлар бир йил ичида 7,3 миллионтага кўпайтирилди ҳамда гўштбоп парранда фабрикаларида парранда 34 миллион тага оширилди.

750 минг гектар суғориладиган янги ерлар ишга туширилди. Озарбайжон ССРда Тертерчой ва Юқори Хонбуланчой сув хўжалик комплексларини қуриш ниҳоясига етказилди. 720 минг гектар жуда зах ва ботқоқ ерлар қуритилди. 8,7 миллион гектар майдондаги яйловларга сув чиқарилди. Бундан ташқари 200 минг гектардан кўпроқ суғориладиган ва захи қочирилган ерлар фойдаланишга топшириш учун тайёрланди, бу ерларда мелиоратив системалар синаб кўрилиши лозим.

Пул билан таъминлашнинг ҳамма манбалари ҳисобидан халқ хўжалигига сарфланган капитал маблағлар 117 миллиард сўмдан кўпроқни ташкил этди ва 1975 йилдагига нисбатан 4 процент кўпайди.

Қурилишда меҳнат унумдорлиги 3,3 процент ошди. Шу билан бирга қурилиш-монтаж ишлари ҳажмининг бутун ўсишига меҳнат унумдорлигини ошириш йўли билан эришилди.

Ўтган йили қурилишнинг техникавий даражасини ошириш соҳасидаги ишлар давом эттирилди. Тўла йиғма қурилиш ҳажми 1975 йилдагига нисбатан қарийб 8 процент ортди. Катта ҳажмли листдан тайёрланган асбес-цемент чоклари бўлган тўсма конструкциялар қурилишда кенг қўлланила бошланди. Технология ускуналарини йирик блоклар билан моҳтаж қилишнинг илғор усули янада кенг қулоч ёзди.

Шу билан бирга, деб таъкидланади СССР Марказий Статистика Бошқармасининг ахборотида, бир қанча ишлаб чиқариш қувватларини шунингдек асосий фондларни ишга туширишнинг топшириқлари бажарилмади.

Кўпгина қурилиш-монтаж ташкилотлари пудрат ишлари, меҳнат унумдорлигини ошириш ва фойда олиш планларини бажармадилар. Капитал маблағларни ишга туширилган қурилишлар ва объектларга етарли даражада тўпламаслик, қурилиш муддатларини чўзиб юбориш ҳоллари учраб турди.

Халқ хўжалигидаги ишчи ва хизматчиларнинг ўртача йиллик сони 104,3 миллион кишини ташкил этди ва бир йил ичида 2,1 миллион киши кўпайди: колхозларнинг жамоат хўжалигида банд бўлган колхозчилар сони 15 миллион кишига етди.

Бундан аввалги йилларда бўлгани каби меҳнатга қобилиятли барча кишилар иш билан тўла таъминланди; мамлакатнинг айрим районларида ишчи кучининг етишмаслик ҳоллари рўй берди.

1976 йилда ишчи ва хизматчиларнинг пул билан тўланадиган ўртача ойлик иш ҳақи 1975 йилдаги 146 сўм ўрнига 151 сўмга етди. Ижтимоий фондлардан берилган тўлов ва имтиёзларни қўшиб ҳисоблаганда иш ҳақи 198 сўмдан 206 сўмгача кўпайтирилди.

Аҳоли жон бошига ҳисоблаганда реал даромадлар бир йил ичида 3,7 процент ошди.

Ишлаб чиқариш тармоқларида банд бўлган ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақи оширилганидан кейин 1976 йилнинг охирида мамлакатнинг айрим районларида ишчи ва хизматчиларнинг ойлик минимал иш ҳақи 70 сўмгача оширилиб, айни маҳалда халқ хўжалигининг ноишлаб чиқариш тармоқларида банд бўлган ва ўртача ҳақ олувчи ходимлар категорияларининг ставкалари ҳамда окладлари оширила бошланди. Колхозчиларнинг меҳнатига тўланадиган ҳақ 6 процент кўпайди.

Аҳолининг ижтимоий истеъмол фондларидан олган тўлов ва имтиёзлари 94,5 миллиард сўм бўлди ва бир йил ичида 4,4 миллиард сўм миқдорида кўпайди.

Кўмир ва сланец саноати ходимлари баъзи категорияларининг пенсия таъминоти янада яхшиланди.

Аҳолининг омонат кассаларига қўйган пуллари 12 миллиард сўм кўпайди. Давлат ички заёмлари облигацияларининг ҳақини тўлаш давом эттирилди.

Давлат ва кооператив савдосида чакана товар обороти 218,6 миллиард сўмни ташкил этди ва 1975 йилдагига нисбатан 9,6 миллиард сўм кўпайди. Чакана товар обороти йиллик плани 101,2 процент бажарилди.

Товар оборотининг ўсганлигига қарамай, аҳолининг баъзи молларга бўлган талаб-эҳтиёжи тўла қондирилмади.

Аҳолига кўрсатилаётган маиший хизмат ҳажми 8 процент, шу жумладан қишлоқ жойларида 10 процент кўпайди. Маиший хизмат ҳажми юзасидан белгиланган план бажарилди.

Мамлакат экономикасининг янада юксалганлиги, чакана товар оборотининг ва аҳолига кўрсатилаётган хизматнинг ўсганлиги пул муомаласининг барқарор бўлишини таъминлади.

Давлат ва кооператив корхоналари ҳамда ташкилотлари, колхозлар ва аҳоли жами саҳни 108,5 миллион квадрат метр келадиган 2 миллион 200 мингта янги қулай ва шинам квартиралар ҳамда якка тартибдаги уй-жойлар қурди. Бу эса қарийб 11 миллион кишининг уй-жой шароитини яхшилаш имконини берди. Уй-жой қурилишида квартиралари янада қулайроқ жойлаштирилган ва пардозининг яхшироқ бўлиши кўзда тутилган янги типовой лойиҳалар асосида қурилаётган уйларнинг салмоғи ошди. 1,5 миллион ўқувчига мўлжалланган янги умумий таълим мактаблари, 640 минг ўринли мактабгача тарбия муассасалари, 61 минг ўринли касалхоналар ва кўпгина бошқа маданий-маиший объектлар ишга туширилди.

Аҳоли пунктларини обод қилиш ишлари олиб борилди.

Халқ маорифи, фан ва маданиятни янада ривожлантириш давом эттирилди. Аҳолига медицина хизмати кўрсатиш яхшиланди ва аҳолининг уюшқоқлик билан дам олиши кенгайтирилди.

Совет Иттифоқи аҳолисининг сони 1977 йил 1 январда 257,9 миллион кишига етди.

(ТАСС).

Она-Ватан бўйлаб

▲ БЕЛОРУССИЯ ССР. Фанлар академияси электроника институти ходимлари радиофизика, голография, электроника, ярим ўтказгичлар физикасининг кўпгина проблемалари бўйича муҳим назарий тадқиқотлар ўтказмоқдалар. Суратда: институт катта лаборанти Т. П. Поснова ва сектор мудири В. И. Правалов иш устида.

Ч. Мезин фотоси. ТАСС фотохроникаси.

▲ ЛЕНИНГРАД. Киров заводи коллективи ўнинчи беш йилликнинг иккинчи йилида катта социалистик мажбуриятлар олиб ишламоқда. Суратда: К—701 «Кировец» тракторлари жўнатилмоқда.

С. Смольский фотоси, ТАСС фотохроникаси.

Спорт

ВОЛЕЙБОЛ

ҒАЛАБА БИЛАН БОШЛАШДИ

Москва ва Одесса шаҳарларида волейбол бўйича аёллар ўртасида мамлакат чемпионати ўйинлари давом этмоқда. Республикамиз вакиллари Тошкентнинг «Автомобилист» қизлари турнирни ғалаба билан бошлашди. Улар биринчи куни Бокунинг «Нефтчи» командаси билан учрашиб кескин бахсда 3:2 ҳисобида устун келдилар. Командамиз иккинчи кун ҳам ғалабага эришди. Бу сафар тошкентлик спортчилар Ленинграднинг «Буревестник» командасини 3:1 ҳисобида мағлубиятга учратишди. Кеча командалар дам олишди.

ФУТБОЛ

ХАЛҚАРО ТУРНИР

Москвада мини-футбол бўйича «Неделя» хафталиги совғаси учун халқаро турнир давом этмоқда. Навбатдаги тур ўйинларида қуйидаги натижалар қайд этилди: Венгрия — Болгария — 2:2, «Торпедо» (Москва) — Польша — 3:1, «Торпедо» — «Спартак» — 2:3, Венгрия — «Динамо» Москва) — 3:3.

СУВ ПОЛОСИ

«МЕҲНАТ» ЧЕМПИОН

Бир неча кун давомида пойтахтдаги «Тўқимачилик» спорт комплекси сузиш ҳавзасида сув полоси бўйича ёшлар ўртасида республика чемпионати мусобақалари бўлиб ўтди. Бунда жами 6 команда куч синашди. Пойтахтнинг «Меҳнат» ватерполчилари беш учрашувнинг ҳаммасида ғалаба қозониб 10 очко билан республика чемпиони деган номни қўлга киритиш билан бирга бутуниттифоқ мусобақаларида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлишди.

БОКС

ТЕРМА КОМАНДА САФИДА

Бокс бўйича Америка Қўшма Штатлари командаси билан халқаро ўртоқлик учрашувларида совет спортчи шарафини ҳимоя қиладиган терма команда сафидан республикамиз вакили Феликс Пак ҳам ўрин олди.

Совет боксчилари АҚШда жами учта учрашув ўтказишади. Улар 29 январда Лас—Вагес, 3 февралда Шривпорт ва 5 февралда Милуокида мусобақалашадилар.

ХОККЕЙ

«БИНОКОР» МАҒЛУБИЯТИ

«Бинокор» хоккейчилари чемпионатнинг навбатдаги ўйинларини ўз майдонларида турнир пешқадамларидан бири Уфанинг «Салават Юлаев» клуби хоккейчилари билан ўтказиб биринчи учрашувда 2:5 ҳисобида енгилдилар. Командалар кеча такрор учрашув ўтказдилар.

МИЛЛИЙ КИНО САНОАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

КАРОЧИ, 24 январь. (ТАСС). Покистон ҳукумати бу йил ғарбдан сотиб олинадиган фильмлар сонини кескин суратда қисқартиришни планлаштирмоқда. Маҳаллий «Стар» газетаси ёзади: АҚШдан, Ғарбий Европа ва Гонконгдан олинаётган бемаъни кино лента-лар ёшларга бузуқ таъсир кўрсатаётганлиги, мамлакатда миллий кино саноатини ривожлантиришга ҳалақит бераётганлиги шундай қарор қабул қилишга сабаб бўлди.

Покистон ҳукумати зўравонлик, шафқатсизлик, ошкора аҳлоқсизликни тарғиб этувчи ғарб кинематографияси маҳсулотининг кўп сотиб олинишига қарши курашмоқ учун кейинги вақтларда бир қанча тадбирларни амалга оширди. Чет эллардан келтириладиган фильмлар устидан қаттиқ цензура жорий этилди. Ана шу фильмларни кўрсатиш учун руҳсат берилган кинотеатрлар сони қисқартирилди.

СОЛИҚЛАРНИ КАМАЙТИРИШ ҲАРАКАТИ

ТОКИО. Япония меҳнаткашларининг кўклам фаслида биргаликда олиб борадиган кураши кенгаши бу йилги ҳаракат даврида солиқларни камайтириш тўғрисидаги талабномани қўллаб-қувватлаш учун 30 миллион имзо тўпланишига қарор берди. Солиқларни қисқартириш йўлидаги ҳаракат кенг халқ оммасининг манфаатларини акс эттиради. Бу ҳаракат — кенгаш фаолиятининг асосий йўлларидан биридир. Касаба союзлар бош кенгаши, мустақил касаба союзларининг алоқа кенгаши ва 8.860 минг кишини бирлаштирувчи бошқа бир қанча касаба союз марказлари шу кенгашга киради.

(ТАСС, 24 январь).

Дунё овози

Чет эл хабарлари

ЛАВОЗИМЛАР ТАСДИҚЛАНДИ

ВАШИНГТОН. (ТАСС). Ж. Картер АҚШ президенти лавозимини расман эгаллаганидан сўнг бир неча соат ўтгач, сенат саккиз номзодни янги ҳукуматдаги етакчи лавозимларга тасдиқлади.

С. Вэнс АҚШ давлат секретари қилиб, Г. Браун Мудофаа министри қилиб, М. Блюменталь Молия министри қилиб Х. Крепс Савдо министри қилиб тасдиқландилар.

Ж. Калифано номзодини Соғлиқни сақлаш, маориф ва социал таъминот министри лавозимига, Г. Белл номзодини Адлия министри лавозимига ва Р. Маршал номзодини Меҳнат министри лавозимига тасдиқлаш конгрессдаги республикачиларнинг ашаддий консерватив доиралари шу номзодларга қарши авж олдириб юборган кураш муносабати билан ҳозирча тўхтатилиб туради.



БАЙРУТ. Ливанда ўзаро мажорода қатнашган ҳамма томонлар оғир қурол-яроғларни топширмоқдалар.

ЮПИ-ТАСС телефотоси.

Қитъалардан дараклар

ВАРШАВА

Легница воеводлигидаги мис эритиш заводи дастлабки юзлаб тонна юқори сифатли электролит мис эритди. Бу — Польшадаги янги, учинчи ана шундай заводдир. Бу корхонанинг қурилиши 1974 йилда бошланган эди. Завод ҳар йили 150 минг тонна мис ишлаб чиқаради.

ПАРИЖ

Бу ерда француз меҳнаткашларидан қарийб ўттиз минг киши иш ташлаётган полиграфистларга қарши полициячиларнинг ва суд органларининг кўраётган жазо чораларига қарши норозилик юзасидан намойиш ўтказди.

ВАШИНГТОН

Демократик партия миллий комитетининг бўлиб ўтган мажлисида Мен штатининг собиқ губернатори Кеннет Кэртис шу партиянинг янги раиси қилиб сайланди. У 1972 йилдан буён демократлар миллий комитетининг раиси бўлиб келаётган Роберт Страуснинг ўрнини эгаллайди.

К. Кэртисни ана шу лавозимга АҚШ президенти Ж. Картер тавсия этган эди.

АММОН

Сурия ва Иордания нашриётлари Фаластин қаршилик ҳаракатининг фаолияти ва унинг Фаластин араб халқининг ҳуқуқлари учун олиб бораётган қаҳрамонона кураши тўғрисидаги китобни босмадан чиқаради. Иккала мамлакатнинг ахборот масалалари билан шуғулланувчи қўшма комиссиясининг бу ерда бўлиб ўтган мажлисида ана шу тўғрида қарор қабул қилинди.

(ТАСС).

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

Реклама ва эълонлар

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Эрталабки гимнастика. 10.30 — Мультфильмлар. 11.00 — **Олтин эшелон** (бадиий фильм). 12.35 — Концерт. 15.00 — **Кинопрограмма.** 16.05 — А. С. Пушкиннинг шеърларига ёзилган музикалар. 17.05 — Мен ўз касбимни қандай танладим. 17.35 — В. Беседин ижросида қўшиқлар. 17.45 — **Москаликларнинг ишчи кафолоти.** 18.15 — Гарнчилар қаердасиз! 19.00 — **Янгиликлар.** 19.15 — Кулгили воқеалар. 19.30 — Д. Россини — «Вильгельм Телль» операсига ёзилган увертюра. 1945 — **Қишлоқ; ишлар ва муаммолар.** 20.15 — **Камалак.** 20.45 — **Хирург Мишкиннинг кунлари** (бадиий фильм, 1-серия). 22.00 — **«Вақт».** 22.30 — Музикали ҳаёт. 23.35 — Бадиий гимнастика усталари. 00.05 — Янгиликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.30 — Адабиёт. 12.00 — Ҳужжатли фильм. 12.30 — Адабиёт. 18.30 — Мультфильм. 18.45 — «Старшеклассник». 19.45 — «Бизнинг бош мухбиримиздан». 19.45 — **«Ахборот».** 20.00 — Қишлоқ хўжалик билимлари телевизион халқ университети. 20.25 — Дирижёр бугун сиз билан бирга. 21.00 — **«Ахборот».** 21.20 — А. П. Чехов. **«Дўндиқ».** 22.00 — **«Вақт»** (Москва). 22.39 — **Жиноят ва жазо** (бадиий фильм, 1-серия).

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 25 да **Тоҳир ва Зуҳра,** 26 да **Спартак,** 27 да **Риголетто** (СССР халқ артисти Галина Ковалёва иштирок этади).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 25 да **Келинлар қўзғолони** (билетлар сотилган), 26 да **Аяжонларим,** 27 да **Пўртана.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 25 да **Муқаддас диёр,** 26 да **Ужарлар,** 27 да **Олифта.**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 25 да **Ишқ қурбонлари** (19.00), 26 да **Скапеннинг ҳийласи** (16.00), 27 да **Тинмасин соз** (19.00).

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **«ГРУЗИЯ ЦИРКИ» КОЛЛЕКТИВИНИНГ ГАСТРОЛЛАРИ** (19.30).

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг А. С. Пушкин номли Тил ва адабиёт институти коллективи институт ходими Д. Юсуповага онаси

Маҳсума ЮСУПОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА»). Орган Ташкентского обкома КП Узбекистана и областного Совета депутатов трудящихся БИЗНИНГ АДРЕС: 700029, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26 ТЕЛЕФОНЛАР коммутатор — 330249 дан 330258 гача, Эълонлар — 338142.

Р—02153. Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, № 26. Индекс 64583. Г. 1549.